



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 10 » avgust

№ 442

Toshkent sh.

“Зарафшон” миллий табиат боғини Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимига ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори ижросини таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни давлат томонидан бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, “Зарафшон” миллий табиат боғидаги реликт ва ноёб тўқайзор ўрмонлар, табиий мажмуаларни муҳофаза қилиш, табиий обьектлар ва мажмуалардан қонунчилик талаблари асосида фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Жомбой ва Булунғур туманлари ҳудудида жойлашган, умумий майдони **2 426,2 гектар** бўлган “Зарафшон” миллий табиат боғини штат бирликлари ва моддий-техник базаси билан бирга ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидан Давлат экология қўмитаси тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. “Зарафшон” миллий табиат боғини қабул қилиш-топшириш ишларини ташкил этиш бўйича **レスpubлика комиссияси** 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси (Обломурадов) **икки ой** муддатда “Зарафшон” миллий табиат боғининг:

мол-мулклари ва асосий воситаларини ҳамда бошқа обьектларини, шунингдек, питомникларидаги ёввойи ҳайвонларни хатловдан ўтказсин;

штат бирликлари ва моддий-техник базаси билан бирга ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда белгиланган тартибда қабул қилиниши-топширилишини таъминласин.

4. Давлат экология қўмитаси:

а) уч ой муддатда “Зарафшон” миллий табиат бофининг:

низоми ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

ер участкалари, кўчмас мулк обьектларининг кадастр хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини;

худуди, шунингдек, унинг қўриқхона, рекреация ва хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналари чегараларининг белгиланишини таъминласин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргалиқда **2022 йил 1 ноябрга қадар жойига чиқсан ҳолда ўрганиш ишларини ўтказиб Бухоро буғулари учун яшаш жойларини яхлит сақлаш, Зарафшон дарёси сув сатхининг пасайиши натижасида қирғоқлардаги тўқайзорларга бўлаётган салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида миллий табиат боғи худудини кенгайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклиф киритсин;**

в) доимий равища:

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан тарғибот ва давлат экология назорати ишларини кучайтирсин;

Фанлар академияси билан биргалиқда “Зарафшон” миллий табиат боғи худудида табиий обьектлар мониторинги юритилиши ва илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Давлат экология қўмитаси раиси Н.Н. Обломурадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 10 август даги 442-сон қарорига
1-илова

**“Зарафшон” миллий табиат боғини қабул қилиш-топшириш
ишларини ташкил этиш бўйича республика комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|-------------------|--|
| 1. Н. Обломурадов | – Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, <i>Комиссия раиси</i> |
| 2. Н. Бакиров | – Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i> |
| 3. Б. Ибрагимов | – Фанлар академияси вице-президенти |
| 4. А. Шукуров | – Самарқанд вилояти ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари |
| 5. Х. Шеримбетов | – Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси бошлиги, <i>Комиссия котиби</i> |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига уибу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарши зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 10 август даги 442-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Зарафшон миллий табиат боғи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 7 февралдаги 82-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“табиат боғи Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимиға киради”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасида “Судочье-акпетки” давлат буюртма қўриқхонасини ташкил қилиш тўғрисида” 2021 йил 8 февралдаги 58-сон қарорида:

a) 1-банддаги “Мўйноқ” сўзи “Мўйноқ, Тахтакўпир” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг II бўлими “Худуд номи” устунидаги “Мўйноқ” сўзи “Тахтакўпир” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг II бўлими қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

II. “Акпетки” участкаси	
Мўйноқ тумани	335 484
Тахтакўпир тумани	53 801
Жами:	389 285
Умумий ер майдони	442 223

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 343-сон қарори билан тасдиқланган 2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурига 9-илованинг “Миллий табиат боғлари” бўлими 3-позицияси “Идоравий мансублиги” устунидаги “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси” сўzlари “Давлат экология қўмитаси” сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон фонди ерлари ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда ёғочбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини янада қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 يولдаги 442-сон қарорига 3-илованинг “Самарқанд вилояти” бўлими 5-позицияси “Иҳота дарахтзорларини барпо этувчи давлат ўрмон хўжаликлари номи” устунидаги “Зарафшон миллий табиат боғи” сўzlари “Каттақўрғон давлат ўрмон хўжалиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

